

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Л. Бегимкулова	
Қора тотор ва ироқликларнинг Мовароуннаҳрдан кўчиши ҳамда унга таъсир қилган омиллар.....	171
Ш.Рискулов	
XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Афғонистондаги геосиёсий вазият.....	174
А.Нишонов	
Фарғона водийсининг биринчи шайбоний ҳоқими.....	179
С.Мўминов, Н.Кўлдашев	
Навоийнинг сўз қуввати.....	182
Ф.Маматкулова	
“Тоҳир ва Зухра” достонининг Қашқадарёга хос талқини.....	185
Ш.Низамова	
Тахаллуслар билан боғлиқ шеърий санъат ва унсурлар хусусида.....	189
М.Нуъмонжонова	
Зебо Ғаниева жасорати.....	193
С.Хақназарова	
Абдулла Шер ижодида Ватан манзаралари.....	196
М.Хамидов	
Ўзбек шеъриятида Машраб образи талқини.....	198
Г.Ҳимматова	
Характер руҳияти психологизми (Қўчқор Норқобил ижоди мисолида).....	201
И.Доронина	
XX аср адабиётида модернистик оқимлар, футуризмнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳар хил турлари.....	204
Э.Гиздулин	
И.Бродский лирикаси турларининг хилма-хиллиги.....	207
Г.Розиқова, Э.Маруфова	
Ўзбек тили лексикасининг шакл ва маъно жиҳатидан ўзгариши.....	210
Д.Юлдашева	
Болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида лингвистик гештальт хусусида.....	214
Н.Умарова, Х.Фаттоҳов	
Арабча ўзлашмалар ва уларнинг Навоий асарларида қўлланиши.....	217
Н.Расулова	
Тиббий терминлар ўқув луғатини тузиш тамойиллари.....	220
М.Саидова	
К.Болдикнинг “Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли оксфорд луғати”даги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлили.....	223
Н.Каримова	
Тил материалларини ўрганишга ёндашувнинг долзарб масалалари.....	228
З.Позилжонова	
Маданиятлараро мулоқотда новербал мулоқот турлари.....	231
Н.Турсунова	
Фраземанинг тил бирлиги мақоми хусусида.....	235
Ф.Анварова	
Хорижий тилларнинг давлат тилида иш юритувчилар фаолиятида тутган ўрни.....	238
Ф.Раҳматов, М.Ахмаджонов, М.Мирзарахимов	
Клиент сервер технологиясига асосланган реал вақт тизимларида Firebase NoSQL базаларидан фойдаланиш	243
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
Халқпарвар, ватанпарвар, забардаст файласуф олим (1929-2003).....	246

ФРАЗЕМАНИНГ ТИЛ БИРЛИГИ МАҚОМИ ХУСУСИДА

О СТАТУСЕ ЯЗЫКОВОЙ ЕДИНИЦЫ - ФРАЗЕМЫ

ON THE STATUS OF THE LINGUISTIC UNIT OF THE PHRASEME

Н.Турсунова¹

¹Н.Турсунова

— АНДУ инглиз тили ва адабиёти кафедрасининг таянч докторанти (Phd)

Аннотация

Мақола дунё тилшунослари томонидан узоқ йиллардан буён тортишувларга сабаб бўлаётган мавзулардан бири фраземанинг тил бирлиги мақоми хусусида бўлиб, унда бир гуруҳ олимлар фразема компоненти сифатида сўзлар ўзларининг сўзлик мақоми йўқотиши ёки фраземалар шаклланишида иштирок этган сўз-компонентлар ўзларининг сифатларини сақлаб қолишини тасдиқловчи тилшуносларнинг илмий-назарий фикрлари таҳлилга тортилган ва мисоллар келтирилган. Ҳар бир тилнинг фразеологик фондида семантик нуқтаи назардан шаклланган турли иборалар мавжудлиги, яънича йўналиш вакилларининг нуқтаи назарлари келтирилди.

Аннотация

Данная статья посвящена одной из тем - статусу фразы как языковой единицы, являющейся причиной для обсуждения группами учёных в течение многих лет, проанализированы научные и теоретические мнения лингвистов, доказывающих что слова, как компоненты фразы, либо теряют свой лексический статус, либо участвуют в образовании фраз, сохраняя качества компонентов, и приведены примеры. Во фразеологическом запасе каждого языка сформированы различные выражения с семантической точки зрения, даны взгляды представителей нового направления.

Annotation

This article is devoted to one of the topics - the status of the phrase as a linguistic unit, which is the reason for discussion by groups of scientists for many years, the scientific and theoretical opinions of linguists are analyzed, proving that words, as components of a phrase, either lose their lexical status, or participate in the formation of phrases maintaining the quality of the components, and examples are given. In the phraseological stock of each language, various expressions are formed from a semantic point of view, the views of representatives of the new direction are given.

Таянч сўз ва иборалар: фразема, фразеологик тагтизм, лексик денотатив, метафорик маъно, фразема компоненти, фразеологик чатишма, имплицит, “пучланиш”.

Ключевые слова и выражения: фразема, фразеологический признак, системный лексический денотатив, метафорическое значение, фразовый компонент, фразеологическая сращения, “опустошенность”.

Keywords and expressions: phrasema, phraseological feature, systemic lexical denotative, metaphorical meaning, phrasal component, phraseological fusion, “emptiness”

Бир қатор тилшунослар тиллардаги мавжуд тизимлар қаторида фразеологик тагтизмни ҳам алоҳида ажратиб, мустақил ўрганиш лозимлигини таъкидлаб ўтадилар.

Ушбу ўринда савол туғилиши табиий, ажратиб олинган тагтизмнинг бирлиги бўлган фразема мақоми қандай? Фразема компонентлари қай даражада ўзининг лексик маъноларини сақлаган ёки йўқотган ҳолда фразеологик маъно шаклланишида иштирок этадилар? Савол яна ҳам аниқроқ қўйилса, фраземалар структурасида компонент сифатида иштирок этаётган лексик бирликлар (мустақил ёки ёрдамчи сўзлар) қай даражада ўзларининг лексик-денотатив, метафорик-

кўчма маънолари билан (шундай ҳолат мавжуд бўлса) тилда янги фразеологик маъно шаклланишида иштирок этадилар?

Саволларга берилган жавоблар фразеологик тагтизм бирликларининг кўлами, чегарасини аниқлашда жиддий асос бўлиб хизмат қилади. Дарвоқе, ушбу масаланинг ечимини топишда замонавий тилшуносликда уч йўналишда қарашлар мавжуд.

Биринчи йўналиш вакилларининг фикрларига кўра (Авалиани Ю.Ю., Ахманова О.С., Молотков А.И. ва б.) фразема компоненти сифатида иштирок этган сўзлар ўзларининг сўзлик мақоми йўқотадилар, улар сўз сифатида эмас, балки морфема

мақомини олади, ўзларининг грамматик категорияларини йўқотиб, предметларини номлашдаги лексик маъноларидан узилиб, ўзларининг товуш шакллариинигина сақлаб қоладилар. Демак, фразема компоненти сифатида иштирок этаётган сўз денотати билан, яъни у номланаётган муस्ताқил воқелик билан алоқани узган бўлади. [1, 62]

Биринчи йўналиш тарафдорларининг фикрларига қарама-қарши фикрни иккинчи гуруҳ олимлар (А.В.Кунин, И.И.Чернишева, В.Л.Архангелский, Р.Н.Попов ва б.) қуйидагича асослайдилар. Фраземалар шаклланишида иштирок этган сўз-компонентлар ўзларининг барча сифатларини сақлаб қоладилар ва улар тўлақонли сўз сифатида кўриш мумкин. Улар "махсус қўлланиш" натижасида фраземаларни сўзлардан ташкил топмаган бирликка айлантиришлари мумкин эмас. Албатта, ҳар икки йўналиш тарафдорларининг фикр-мулоҳазаларида асос борлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бу ўринда улар ўз аргументларини, ғояларини турли фраземалар асосида исботламоқдалар. Тилнинг фразеологик фондида бир қатор фраземалар мавжудки, уларнинг компонентлари аллақачон ўз номинатив маъноларидан узоқлашган ва "пучлашган товуш" сифатида намоён бўладилар. Бундай лексик бирликлар фраземадаги бошқа компонентлар билан, ўхшатиш жоиз бўлса, "реаксия"га киришиб, тилда янги фразеологик маъно шаклланишида иштирок этадилар. Масалан, инглиз тилидаги "carry coals to Newcastle" (сўзма-сўз - "Нюкаслга қўмир ташимоқ") сўзлари билан фразема ифодалаётган маъно - "кераксиз ишни қилиш" ўртасидаги боғлиқликни махсус этимологик таҳлилсиз ҳозирги кунда аниқлаб бўлмайди [2,95]. Бунда тилда янги маъно ҳосил бўлмоқда. Ёки рус тилидаги "Он в этом деле собаку съел" (сўзма-сўз - у бу ишда ит еган) иборасидаги "собака", "съел" сўзларининг фразеологик маъно (У бирон ишнинг устаси) шаклланишига қанчалик таъсири борлигини аниқлаш мушкул. Ўзбек тилида "Қовун туширмоқ" иборасидаги "қовун", "туширмоқ" сўзлари фразема компоненти сифатида қандай лексик-семантик вазифага эга? Улар ўзларининг қайси лексик маъноси билан фразеологик маъно шаклланишига ўз "улуш" ларини қўшмоқдалар? Бундай ҳолатда уларни тилнинг муस्ताқил лексик бирлиги сифатида эътироф этиш мумкинми?!

Лекин, шу билан бирга алоҳида эслатиб ўтиш лозимки, бундай хусусиятга эга бўлган ибораларнинг сони тилларда кўп эмас. Бир

қатор фразеологик иборалар учрайдики, уларнинг шаклланишида иштирок этган сўзлар - компонентларнинг конкрет ёки кўчма маънолари баъзиларида имплицит, баъзиларида эса эксплицит шаклда намоён бўлиб туради. Улар фразема компоненти сифатида ўзларининг маъно ва шакл планларини сақлаб қолишган. Бундай ҳолатлар иккинчи йўналиш тарафдорларининг фикрларини эътироф этишга асос хисобланади. Масалан, ўзбек, инглиз ва рус тилларида қиёсий ибораларда лексик компонентнинг метафорик маъноси сақланиб қолиши: ўзбек тилида - тулкидай айёр, қордай оппоқ; инглиз тилида - sly as a fox, white as snow; ёки рус тилида - хитрый как лиса, белый как снег. Бундай ҳолатни бир қатор паремеологик бирликларда лексик ва фразеологик маъноларнинг параллел мавжудлигида кузатамиз.

Масалан, ўзбек тилида: Ер хайдасанг, куз хайда, куз хайдамасанг, юз хайда; кўйчивон кўп бўлса, кўй ҳаром ўлади.

Инглиз тилида: An apple a day keeps the doctor away (сўзма-сўз, кунига битта олма шифокордан узоқлаштиради); cross the steam where it is shallowest (сўзма сўз, оқимни энг саёз бўлган жойдан кесиб ўт).

Рус тилида: Дыма без огня не бывает (сўзма-сўз, олов бўлмаса тутун чиқмайди); молния бьет в большие деревья, а маленькие остаются (сўзма-сўз, чақмоқ катта дарахтларни уради, аммо кичиклари қолади).

Мисоллардан кўриниб турибдики, ҳар бир тилнинг фразеологик фондида семантик нуқтаи назардан шаклланишига кўра турли иборалар мавжуд экан, баъзи ибораларда компонент ўзининг сўз мақомини йўқотган бўлса, бошқа бир иборада ўз маъносини сақлаб қолган.

Бундай ҳолат учинчи гуруҳ вакиллариининг нуқтаи назарлари шаклланишига асосий мезон бўлиб хизмат қилди. Адолат юзасидан айтиш жоизки, аслида фразеология фанининг илк асосчиси академик В.В.Виноградов томонидан тақдим этилган фразеологизмлар таснифи, рус тили фразеологизмларининг уч гуруҳга ажратилиши, фразеологик фонднинг ранг - баранглиги асосида юзага келган эди [3].

Бу таснифга кўра тақлиф этилган уч типнинг биринчиси-фразеологические сращения (фразеологик чатишма) деб аталиб, ушбу тип "ибора таркибидаги компонентлар ўзларининг лексик маъноларини, индивидуал

хусусиятларини йўқотган фразеологизмлар" ҳисобланган.

Иккинчи тип - фразеологические единства (фразеологик бирлик) дейилиб, бундай бирликда иштирок этувчи компонентлар маълум миқдорда ўзларининг лексик маъноларини сақлаган ҳолда фразеологизм таркибида иштирок этади.

Учинчи тип-фразеологическое сочетание (фразеологик бирикма) бўлиб, уни ташкил этувчи компонентлар семантикасида сезиларли даражада катта ўзгариш юз бермайди.

Тан олиш лозимки, бундай ранг-баранг семантик – синтактик - стилистик хусусиятга эга бўлган, мураккаб шаклланган тил бирликларини оддий тасниф қилиш орқали уларнинг мазмун-моҳияти, айниқса, "фразеологизацияланиш" механизмини очиб бериш ўзига хос қийинчилик туғдиради. Тил унсурларини бундай тасниф қилиш орқали уларни гуруҳларга бўламиз, маълум параметрлар орқали тартиб берамиз. Лекин, объектнинг яралиш механизмини очиш учун бошқа методлардан фойдаланиш зарурати талаб этилади.

Фикримизча, ана шундай янгича йўналиш профессор М.Е.Умархўжаев томонидан 1981 йили собиқ Иттифоқ Фанлар академияси тилшунослик институтида ҳимоя қилинган докторлик диссертацияси хулосаларида илгари сурилган. Олимнинг таъкидлашича, "Фразема компоненти сўзми ёки сўз эмасми, яъни иборанинг компоненти ўзининг асосий номинатив ёки кўчма маъноси бўлса, фразема таркибида бу маъносини сақлаб қоладими ёки "маъно пучлашиш" жараёни (опустошение - М.Е.Умархўжаев илк бор қўллаган атама) юзага келадими?

Масаланинг бундай илмий тарзда қўйилиши нафақат фразеология назарияси учун, балки лексикография, фразеография амалиёти учун ҳам аҳамиятли ҳисобланади [4, 72]

Бундан ташқари, бу ўринда гап фраземанинг маъно кўчиши хусусида эмас, уни ташкил этувчи компонентларнинг номинатив бирлик сифатида "пучлашиш"и (ўз маъносини йўқотиш) ҳақида бормоқда. Чунки фразема яхлит ҳолда кўчма маънога эга бўлган ҳолда, маълум десигнатга ҳам эга бўлади. Фразеологияни ташкил қилувчи қисмлар ўзларининг номинатив функцияларини йўқотса, "пучлашган" ҳолда ҳеч қандай десигнатга эга бўлмасдан, ўзининг аниқ маъносини йўқотган ҳолда, янги маънога ҳам эга бўлмайди. Албатта, компонентларнинг "пучлашиш" даражаси турли фразеологизмларда турлича кўринишда бўлишини эслатиб ўтиш лозим.

Профессор М.Е.Умархўжаев томонидан илгари сурилган фраземалар таркибидаги сўзлар маъносининг "пучлашиш" ғояси сўзлардаги кўп маъноли тушунчаларни қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда. "Основной признак, отличающий полисемию от семантического опустошения" - деб ёзади профессор М.Е.Умархўжаев, различный характер десигнатов языковых единиц, обладающих несловесными значениями или так называемым "опустошённым значением" У многозначного слова десигнаты отличаются друг от друга более или менее релевантными семантическими чертами, находящими свое выражение в разных значениях соответствующего слова. В случае семантического опустошения слова трудно говорить о выделяемости релевантных семантических черт десигната" [5. 27-28-б]

Дарҳақиқат, сўзларни фраземалар таркибида семантик "пучлашиши", бир тарафдан, сўзнинг номинатив маъноси билан фразема таркибидаги мақомини, иккинчи томондан, бу бирликларнинг бир-бирига нисбатан жойлашиш хусусиятини аниқлашда қулай инструмент вазифасини бажариши мумкин.

Адабиётлар:

1. Черданцова Т.С. Язык и его образы. – М., 1977.
2. Cobuild Collins. Dictionary of idioms. – Лондон .,1995.
3. Виноградов В. В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – М., 1977.
4. Умарходжаев М.И. Основы фразеографии. Автореф. Докт.дисс. 1981.
5. Умарходжаев М.И. Основы фразеографии. Монография, – Т., 1983.
6. Рахматуллаев Ш. "Ўзбек тилининг фразеологик луғати" – Т., 1992.
7. ziyo.uz

(Тақризчи: Ш.Искандарова — филология фанлари доктори, профессор).